



milliy tiklanish

Адрес — 5 063

www.mtgazeta.uz | fb.com/milliytiklanish



КОРЕЯ ТАЖРИБАСИ:

УЛАРДАН ЎРГАНСАК
БЎЛАРКАН!

4c

БОНГ
уриш билан иш битмаяпти!



5c

«Ўзбекистон
цивилизация
чоррахаси эмас,
балки цивилизация
марказидир...»

3c

МАҲАЛЛА — МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Миллий кадриятларни шакллантирадиган асосий мезон, шубҳасиз, миллатнинг тарихи, урф-одати, анъанаси, маънавий ва маданий бойликлари ҳамда тарихий ёдгорликларидир. Анъаналар эса қадимдан инсоният ҳаёти, турмуши, меҳнати ва ибратли ҳаёт сабоқлари орқали шаклланиб, авлоддан-авлодга мерос бўладиган ижтимоий фаолият маҳсулидир. Шу маънода, асрлар оша бизгача етиб келган маҳалла институти миллий кадриятларимизнинг ёрқин ифодаси ҳисобланади.

◆ ИСЛОҲОТ

Маҳалла аини пайтда донишманд кишиларнинг узок ҳаёт тажрибаси маҳсули бўлиб, уларнинг ҳаёт синовларини сабр-бардош билан енгиб ўтиш жараёнидаги умуминсоний бирлиги ва жипслиги рамзи ҳамдир. Оила ва маҳалла институти умуминсоний жиҳатларни ўзида мужассам этиб, ахлокий қарашлар, диний-рухий туйғулар асосида ор-номус, виждон, лафз, ҳалоллик ва аждодлар меросига муносиб бўлиш каби эзгу кадриятларни келажак авлодга етказишдек эзгу ишларни давом эттириб келяпти. Албатта, ҳар бир маҳалланинг маърифати, маънавияти ҳамда салоҳиятини мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли вужудга келтиради, шакллантиради. Маълумки, Президентимиз ташаббуслари билан илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, тизимда амал-

га оширилаётган туб ислохотлар маҳаллаларни фуқаролар манфаатини намоён қилувчи ваколатли жамоат уюшмасига айлантира олди. Ҳар бир фуқарода Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини шакллантириш, ёшлар учун қўшимча имкониятлар эшигини очиш, аҳоли даромадини ошириш, юртдошларимиз саломатлигига эътибор қаратиш билан бирга нуруний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бизга мерос бўлган анъаналаримизни кадрлаш бугунги амалий ишларимизнинг бош мақсадига айланган.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИ, ТИЗИМДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ НАМОЁН ҚИЛУВЧИ ВАКОЛАТЛИ ЖАМОАТ УЮШМАСИГА АЙЛАНДИ.

3
Давоми саҳифада

Ўзбекистонда 9 452 га маҳалла бўлиб, аини пайтда уларнинг барчасига бирдек имконият яратиб берилмоқда



Туркистон ўлкаси Ўзбек этник-маданият марказига китоблар топширилди

Мамлакатимизнинг Актау шаҳридаги Бош консулхонаси Қозоғистондаги Ўзбекистон этник-маданият марказлари билан изчил ҳамкорлик қилиб, мунтазам равишда турли тадбирлар ташкил этмоқда. Яқинда Туркистон ўлкасида уюштирилган учрашувда мамлакатимиз Ёзувчилар уюшмаси томонидан ажратилган ўзбек тилидаги 300 га яқин китоб Ўзбек этник-маданият марказига топширилди. Маҳаллий ўзбеклар маданий-маърифий мухитини бойитишга хизмат қиладиган бу асарлар Туркистон шаҳридаги мактаблар кутубхоналарига ҳам тарқатилади. Баҳодир Ирисметов бошчилигидаги ўлкадаги Ўзбек этник-маданият маркази жамоаси ва “Жанубий Қозоғистон” маҳаллий газетаси раҳбарияти ҳам иштирок этган мулоқот давомида ўзбек тили ва анъаналари билан боғлиқ маданий тадбирлар ташкил этиш бўйича келгуси режалар, жумладан, Туркистонда ўзбек тили байрамини ўтказиш имконияти муҳокама қилинди. Маданий-маърифий фаолият доирасида “Ватандошлар” жамоат фонди билан ҳамкорлик масаласи ҳам кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, мазкур учрашув Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида маданий алоқани мустаҳкамлаш, хусусан, Туркистон ўлкасида истиқомат қиладиган ўзбек миллатига мансуб аҳолини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Азиза АЛИМОВА тийёрлади. У.А.

«MILLIY TIKLANISH»



АНОНСЛАР

998 НАФАР МАҲКУМА

Улар ўз оиласига қайтишлари учун муҳим қадам қўйилди

УШБУ ҚОНУН БИЛАН ХАЛҚИМИЗ НОРОЗИЛИГИГА САБАБ БЎЛАЁТГАН

НОРМАЛАР ЧИҚАРИБ
ТАШЛАНИБ, УЛАР ЎРНИГА
ЗАМОНАВИЙЛАРИ
КИРИТИЛМОҚДА



2c

3c ЖАНОБ ҲОКИМЛАР, ЭНДИ КЕНГАШЛАРГА РАИСЛИК ҚИЛМАЙСИЗ!

580

2024 йилнинг ўтган даврида 10 та меҳмонхона, 5 та хостел, 21 та оилавий меҳмон уйи фаолият бошлади. Бу билан жойлаштириш масканлари тага етди. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятга 630 минг нафар чет эллик сайёҳ ташриф бурган. Уларга кўрсатилган хизматлар орқали туризм экспорти 160 миллион АҚШ долларидан ошган.



Фракция аъзоси Жаҳонгир Шириновнинг таъкидлашича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш, маҳаллий кенгашлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидagi масъулиятини кучайтириш, жойларда эса ҳокимиятлар бўлиниши принципини тўлақонли рўёбга чиқариш ва ҳудудий бошқарувни «аҳоли манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида йўлга қўйиш имконини беради.

НИҲОЯТ, МОНОПОЛ ТИЗИМГА БАРҲАМ БЕРИЛЯПТИ



Ниҳоят, энергетика тизимида монополияга барҳам бериладиган бўлди. «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, энди шу пайтгача ошғи олчи бўлган «Ўзбекэнерго»га бир эмас, бир неча рақобатчилар пайдо бўлади ва соҳада соғлом рақобат юзага келади. Энг асосийси, истеъмолчида танлаш имконияти пайдо бўлиб, ким арзон, сифатли электр энергия етказиб беради, уша компаниянинг бозорига барака киради. Бу нархлар оширилишига ҳам барҳам берилди ва истеъмолчи ҳуқуқлари устувор бўлади деганидир.

Яъни, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган ялпи йиғилишида қабул қилинган ва Сенатга юборишга қарор қилинган «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси истеъмолчида танлаш ҳуқуқини беради.

Қонун ташаббускорларининг таъкидлашича, аслида электр энергетика тизимидаги ислохотлар 2019 йилда бошланган. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида», «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда Энергетика вазирлигининг ташкил этилиши асосида соҳага хусусий ишлаб чиқарувчилар кириб келди. Бирлашган Араб Амирлигининг «Masdar», Хитойнинг «China Energy» ҳамда Европанинг бир неча компаниялари шулар жумласидандир.

Бироқ ўрганишлар олиб борилганда 2009 йилда қабул қилинган қонун соҳада ислохотларни давом эттириш имкониятини бермаётгани маълум бўлди. Шу билан ҳам ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Энергетика соҳасини ислох қилиш йўлидаги энг муҳим кадам сифатида баҳоланаётган мазкур қонун лойиҳаси билан энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, соҳада инвестициявий жозибадорликни ошириш, тармоққа хусусий секторни жалб этиш орқали эса шаффоф ва рақобатбардош электр энергияси бозорини ривожлантириш ҳамда энг асосийси, таъминот барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, қонунда энергетика бозори иштирокчиларининг мақоми, ҳуқуқлари, мажбурият ва жавобгарлиги катъий назарда тутиляпти. Масалан, ҳар бир электр станцияси учун алоҳида лицензия олиниб, у ўзи ишлаб чиқарган электр энергиясини бозор иштирокчиларига сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Яъни, энди ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Бундан ташқари, қонунда электр энергияси бозорини ташкил этишга оид қондалар аниқ-гиник белгилаб қўйилди. Жумладан, бозор ва унинг иштирокчилари фаолияти, нархлаш механизмлари, тарифларни қўллаш ва электр энергияси бозоридан ўзгаришлар динамикасини ўз ичига

“ ҲОКИМ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ РАИСИ ВАЗИФАЛАРИНИНГ АЖРАТИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНДАЛАР ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 2024 ЙИЛГИ САЙЛОВЛАР ЯКУНИ БЎЙИЧА, ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДА ЭСА, 2026 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЭЪТИБОРАН АМАЛГА КИРИТИЛАДИ.

олган йиллик ҳисобот Энергетика бозори регулятори томонидан эълон қилиб борилади.

Энг асосийси, қонунда ижтимоий химояга муҳтож истеъмолчиларни қўллаб-қувватлашга оид нормалар акс эттирилмоқда. Бундай истеъмолчилар учун қулай тўлов шартларини жорий қилиш, олдиндан тўлов ҳисоблагичларини ўрнатил, таъминотни вақтинча тўхтатиб туришдан овоз қилиш ва бошқа кўрсатилган тўғриван-тўғри ижтимоий ёки молдий ёрдам кўрсатиш каби чоралар

белгиланиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши санатни ривожлантириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш, энг муҳими, ишончли, хавфсиз ҳамда барқарор электр таъминоти тизимини яратишга хизмат қилади.

Партия фракциясининг бир кун олдин бўлиб ўтган йиғилишида ҳам ушбу қонун лойиҳаси депутатларимиз томонидан қизгин муҳокама қилинган эди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров ушбу қонун лойиҳасига муносабат билдириб, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон қонунчилиги бугунгача электр энергия соҳасига хусусий секторни жалб этиб, рақобат муҳитини яратиш имконини бермаганини таъкидлади.

– Энди ушбу қонун билан соҳада очик ва эркин бозор муносабатлари шаклланади. Шунингдек, қонундан сўнгги йилларда халқимиз норозилигига сабаб бўладиган моддалар чиқариб ташланапти ва замонавий нормалар киритилмоқда, – деди Алишер Қодиров.

Ялпи мажлисда «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилиши ҳамда вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслигини назарда тутувчи янги норма ўз аксини топган. Шу билан бирга, янги конституциявий-ҳуқуқий шароитларда ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси лавозимлари ажратилганлиги амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси билан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларига Конституция талаблари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

Жумладан, маҳаллий кенгашлар фаолиятига депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши, халқ депутатлари Кенгаши раиси ўз вазифаларини бажариш даврида доимий ва бошқа комиссиялар, партия гуруҳлари таркибига кириши мумкин эмаслиги, кенгашлар йиғилишларида ҳоким номзоди кўриб чиқилаётганида номзод маҳаллий Кенгаш депутатларига ҳудудни ривожлантириш дастурини тақдим этиши шартлиги белгиланяпти. Шунингдек, маҳаллий Кенгаш ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар Ягона электрон тизимда (e-qanoq.gov.uz) рўйхатдан ўтказилиши ва тизимга жойлаштирилиши, рўйхатдан

ўтказилмаган ҳужжатларнинг ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоси Жаҳонгир Шириновнинг таъкидлашича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш, маҳаллий кенгашлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидagi масъулиятини кучайтириш, жойларда эса ҳокимиятлар бўлиниши принципини тўлақонли рўёбга чиқариш ва ҳудудий бошқарувни «аҳоли манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида йўлга қўйиш имконини беради.

Қонун лойиҳасидаги ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси вазифаларининг ажратилиши билан боғлиқ қондалар вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2024 йилги сайловлар якуни бўйича, туман ва шаҳарларда эса, 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Мажлисида «Халқро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисидаги 155-сонли Конвенциясини (Женева, 1981 йил 22 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

75 та давлат томонидан ратификация қилинган мазкур Конвенция иқтисодий фаолият соҳаларини ўз ичига олиб, давлат хизматига ва ёлланб ишловчиларга, шунингдек, бевосита ёки билвосита иш берувчининг назорати остида бўлган ишчи ва ходимларга татбиқ этилади.

Конвенцияда меҳнат фаолияти жараёни ва ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини таъминлаш кўзда тутилган. Жумладан, иш жойи ёки иш вақтида ишчи-хизматчилар соғлиғига зарар этиши билан боғлиқ турли бахтсиз ҳодисалар ёхуд хавфларнинг олдини олишга қаратилган талабларни янада кучайтириш белгиланган. Шу билан бирга мазкур ҳужжатда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини таъминлаш, ишлаб чиқариш муҳитини яхшилаш бўйича миллий даражадаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш масалалари акс эттирилган.

Депутатларнинг фикрича, мазкур Конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон ва Халқро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Миллий меҳнат қонунчилигига ишлаб чиқариш жараёнидаги турли бахтсиз ҳодисалар, касб касалликлари, иш вақтида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган халқро стандартларни самарали жорий этиш имконини ҳам беради.

Шунингдек, Ўзбекистонни истиқболда халқро ва минтакавий ташкилотлар, хусусан, Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялашуви учун зарур шарт-шароитлар яратиб, преференцияларнинг умумий тизими доирасида Европа Иттифоқи билан ўзаро самарали ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

Иктибос



Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

“ «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун, шубҳасиз, соҳани ислох қилиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Ушбу қонун билан энергетика тизимидаги монополияга барҳам берилиб, янги субъектлар учун тенг имкониятлар яратилди. Бу эса соҳада табиий рақобатни ривожлантиради, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилади. Натижада нархларни тартибга солишнинг шаффоф тизими яратилади. Асосли тарифларни ўрнатиш ҳам янги қонуннинг асосий элементи бўлиб, аввалги тарифлар ноаниқ ва асоссиз эди. Бу ўз навбатида истеъмолчиларнинг эътирозларига сабаб бўлаётганди. Энди янги қонун билан тарифларни шакллантиришнинг қатъий қондалари жорий қилинади. Яъни, ишлаб чиқарувчи, узатувчи ва етказиб берувчиларнинг адолатли фойда олиши таъминланади. Яна бир гап: янги қонун билан асоссиз тарифлар ва паст сифатли хизматлардан шикоят қилиш механизми яратилмоқда. Мустақил орган шикоятларни кўриб чиқиш, истеъмолчилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги низоларни тартибга солиш билан шугулланади.



Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 12 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлинма сифатида ишларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бизга бу борада дастуриламал вазифасини ўтапти. Ушбу муҳим ҳужжат талабларининг ҳаётда татбиқ этилиши замирида эса маҳаллани халқ билан давлат ўртасидаги «кўприк» вазифасини бажарувчи халқчил тузилмага айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш мақсади мужассамдир. Зотан, бугун маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштироки

Бугун Ўзбекистонда 9 452 та маҳалла бўлиб, уларнинг барчасига бирдек имконият яратиш берилган десак муболаға бўлмайди. «Маҳалла эттиги» томонидан ҳудуднинг ички ресурслари аниқланиб, уларни ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигига эришилмоқда. Ижтимоий хизматлар ва фуқароларга ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш, пировардида, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш муҳим омил бўлмоқда. Энг асосийси, маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ҳал этилишида давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти бир ҳудудда мувофиқлаштирилгани – бир неча йиллардан бери йиғилиб

тонгда опа-сингилларимиз томонидан кўчаларни супуриб-сидириш ҳам одатга айланган. Юртбошимиз ташаббуси билан ушбу кадриятларни янада шакллантириш мақсадида ҳар бир маҳаллада «Маҳалла сервис компанияси»нинг ташкил этилиши кадриятларимизнинг янада кенг ривож топишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 июндаги «Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кифасини тубдан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада кўшимча имкониятлар эшигини очиб берди, албатта. Ҳозирда маҳаллалардаги вақтинча ишсиз фуқаролар жалб этилиши кўзда тутилган.

«Маҳалла сервис компанияси»нинг ташкил этилиши кадриятларни янада шакллантириш мақсадида ҳар бир маҳаллада «Маҳалла сервис компанияси»нинг ташкил этилиши кадриятларимизнинг янада кенг ривож топишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 июндаги «Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кифасини тубдан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада кўшимча имкониятлар эшигини очиб берди, албатта. Ҳозирда маҳаллалардаги вақтинча ишсиз фуқаролар жалб этилиши кўзда тутилган.

«МАҲАЛЛА СЕРВИС КОМПАНИЯСИ»НИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН АҲОЛИДАН ПУЛ ЙИГИЛМАЙ ХОДИМЛАР УЧУН ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИГА 2024-МОЛИЯ ЙИЛИДА АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЕЛГИЛАБ КЎЙИЛДИ.

таъминланган, ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажаги, молиявий аҳоли ҳамда фаровонлигини таъминлашдаги масъулиятни чуқур ҳис эта бошлади.

қолган масалаларнинг самарали ечим топишига, фуқароларни бугундан рози бўлишига замин яратяпти. Қолаверса, маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, кам таъминланган оилаларга ажратилган бюджет маблағлари ва бошқа имтиёزلарнинг мақсадли йўналтирилиши асосида янги, мустақкам тизим ҳам вужудга келди. Маҳаллалар ободлигини таъминлаш ва ҳудудни кўкаламзорлаштириш учун маҳалладошлар бир бўлиб, хашарлар ўтказиши ёки ҳар

«Маҳалла сервис компанияси»ни молиялаштириш учун аҳолидан пул йиғилмай Ходимлар учун Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига 2024-молия йилида ажратилган маблағлардан фойдаланиш белгилаб кўйилди. Шунингдек, маҳаллаларни ободонлаштириш учун Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан ҳар ойда 20 миллион сўмдан ажратилиши ҳам сервис компанияларнинг ички фаолиятини таъминлашда муҳим омил бўлади. Шундан келиб чиқиб, «Маҳалла сервис компанияси» кўп қаватли уйлarda ташкил этилган хизмат кўрсатиш субъектларидан тубдан фарқ қилишини айтиш мумкин. Яъни бунда маҳаллани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бепул амалга оширилади. Ҳовли жойларда истикомат қилувчи фуқаролар эҳтиёжи ва истагига кўра, дарахтларга шакл

берилиш, ўсимликларни зарарли хашаротларга қарши дориллаш, кўчат экиш, уйлارни таъмирлаш, кудук казиш, ер ҳайдаш каби 30 га яқин хизматларнинг келишув асосида бажарилиши кўзда тутилган. Аҳамиятлиси, бу билан аҳоли учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш турлари марказлаштирилди. «Маҳалла сервис компанияси»га зарур техника воситалари, ускуналар харид қилиш бўйича ҳам муқобил ечимлар тақдим этилди. Яъни, ҳар бир маҳалладаги сервис компанияси учун электр мотороллер, мотокультиватор, электр генератор, дезинфекция ҳамда пайвандлаш ускуналари, мотоарра каби 11 турдаги асбоб-ускуналар хариди учун 100 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилиши белгиланди. Ушбу йўналишдаги фаолиятни бекаму-қўст йўлга қўйиш учун ҳар қандай масала инобатга олинди. Энди белгиланган вазибаларни бажаришга иштиёқ билан ёндашиш, миллий анъаналаримизга содиқ ҳолда ишларни сифатли ва юқори тажриба асосида ташкил этиш қолди, ҳоло. Маҳаллаларимизда салоҳиятли кадрлар кўп ва Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган топшириқларни бажариш истагида бўлган Ватанпарвар тadbirkorларимиз ҳам талайгина. Биз ҳамкорликда маҳаллаларимизни, туманлар ва шаҳарларни – мухтасар айтганда юртимизни янада кўркем, янада обод қилишга мустақкам бел боғлашимиз. Маҳалла ободлиги, аҳоли фаровонлиги учун бир мақсад сари муштарак бўлиб қадам ташлашимизда аждодларимиз яратган маънавий, маданий мероси ҳамда урф-одатларимиз ҳамда жонкуяр маҳалладошларимизнинг кўмаги, далласи, ишончи биз учун жуда муҳим.

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси

Антониу Гутерриш: «Ўзбекистон цивилизация чорраҳаси эмас, балки цивилизация марказидир...»

Кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида минтақа ва глобал даражада фаол ташқи сиёсатини йўлга қўйиб, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантирмоқда. Ушбу жараёнлар Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичида ҳам яққол намоён бўляпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош котиби Антониу Гутерриш 2017 йилда ушбу лавозимдаги илк расмий ташрифини Ўзбекистондан бошлаб, БМТ ва унинг ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истикболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик, жумладан, Орол фожиясининг экологик оқибатларини юмшатишга доир масалалар билан атрофчи танишган эди. Қайд этиш жоиз, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ҳамда БМТ ўртасида глобал ва минтақавий тинчлик, барқарорлик ва исчи тараккиятни таъминлаш борасида кўп қиррали ҳамкорлик кенгайди ва бунда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган кўшма лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун бу борада 140 та кўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 10 та махусус резолюцияси қабул қилинди, шундан 4 таси тўғридан-тўғри Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган экология ва агроф мухитни муҳофаза қилиш соҳаси, хусусан, Оролбўйи минтақасининг экологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Маълумки, Ўзбекистон 2015 йилнинг сентябрь ойида БМТ Саммитида эълон қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларининг миллий даражада бажарилишига доир шартларини қабул қилган. Шундан кейин Ҳукумат томонидан мажбуриятларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, тизимли ишлар олиб борила бошланди. 2020 йилда эса Олий Мажлис палаталари кенгашининг кўшма қарорига асосан Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2020 – 2024 йилларда ушбу комиссия томонидан 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш

соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар юзасидан 10 дан ортик назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилди. Масалан, комиссия барқарор ривожланиш соҳасидаги 12-мақсаднинг 12.5 - вазифаси доирасида Тошкент вилоятида чиқиндилар масаласида муайян камчилик ва муаммолар борлигини кўрсатиб ўтди. Энг асосийси, ҳар бир ўрғанилган мақсад ва вазифалар якунида Парламент комиссиясининг қарорлари қабул қилиниб, тегишли органга ижро учун тақдим этиб борилмоқда. Дарҳақиқат, бугун экология ва агроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари даврда сиёсати даражасига кўтарилди. Ўтган қисқа даврда аҳолининг марказлашган тарзда ичимлик суви таъминоти 73 фоизга етказилгани, аграр соҳада ҳар йили 7 млрд.куб сув иқтисод қилинаётгани, Орол денгизи тубидаги 1,7 млн. гектар майдонда «яшил копламалар» барпо этилгани ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш 15 фоизга етказилгани соҳада инкилобий ўзгаришлар бошланганидан далолат, албатта. БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистонга навбатдаги ташрифи ўзаро ҳамкорликни янги даражага кўтарди, дейиш мумкин. Мартабали меҳмон Барқарор ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш борасидаги ислохотлар билан яқиндан танишди. Хусусан, Бош котиб Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси томонидан қурилаётган, жами қуввати 200 МВт бўлган куёш фотоэлектр станцияси фаолияти, шунингдек, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясига асосан қайта тикланувчи энергия манбалари салмоғини 40 фоизга етказиш борасидаги стратегияси тақдимоти билан танишди. Сафар таассуротлари асосида эса жаноб Гутерриш амалга оширилаётган сай-ҳаракатларга баҳо бериб, «Ўзбекистон цивилизация чорраҳаси эмас, балки цивилизация маркази», дея таъкидлади. Бу шубҳасиз, барча давлат ва ҳокимият органлари ҳамда фуқароларимизга катта фахр ва ифтихор тўйғуси билан бирга юксак маъсулият ҳам юклайди.



Ғайрат САҒАРОВ,
Олий Мажлис
Конунчилик палатаси
депутати

✓ Конституция амалда



ЖАНОБ ҲОКИМЛАР,
ЭНДИ КЕНГАШЛАРГА РАИСЛИК ҚИЛМАЙСИЗ!

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Унда узок вақтдан бери кўпчилиكنи

✓ Кутинг!

ТОМОШАБИНЛИК ФЕНОМЕНИ

ЎҚИ АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ СИНГАРИ УСТОЗ
ЖУРНАЛИСТЛАР ФИКРИГА ҚУЛОҚ ОСМАЁТГАН
АЙРИМ «ТУРА»ЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Келгусен сонларда

ўйлантираётган масала, яъни ҳокимларнинг маҳаллий Кенгаш депутатлари орасидан тайинланиши ва тасдиқланиши ҳақидаги талаб бекор қилинапти. Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонунчилиكنи янги Конституцияга мувофиқлаштириш, жойларда ҳокимиятлар бўлиниши принципини тўлақонли рўёбга чиқариш ва ҳудудий бошқарувни «аҳоли манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида йўлга қўйиш имконини беради.



Ушбу мамлакатда оналик таътили 3 ойгача давом этаркан, яъни агар аёл ишлашни хоҳласа, фарзандини шу ёшда ҳам боғчага бериши мумкин.

ХАЛҚАРО

ХАМКОРЛИК

КОРЕЯ ТАЖРИБАСИ:

УЛАРДАН ЎРГАНСАК
БУЛАРКАН!

Янги Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг хорижий давлатлар партиялари билан ҳамкорлиги ҳам изчил ривожланмоқда. Хусусан, кейинги йилларда бошқа партиялар қатори «Миллий тикланиш» вакиллари ҳам нафақат халқроқ доирадаги сиёсий тadbирлар, балки гоё ва мақсадлари яқин бўлган хориж партиялари билан ҳамкорлик қилишяпти.

Жорий йилнинг ўзидагина АКШ, Япония, Эрон, Монголия, Хитой ва Европанинг бир қатор давлатларида бўлиб, сиёсий партиялар, депутатлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда уларнинг роли билан танишдик. Жанубий Кореяда бўлганимизда эса кўпроқ сиёсий кучларнинг гоё ва мақсадлари ҳамда сайловлардан кейинги фаолиятини ўргандик.

Маълумки, Корея Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкори бўлиб, ўтган йили ушбу давлат билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,5 миллиард долларни ташкил қилган. Корея инвестициялари ҳажми эса 7,5 миллиард доллардан ошган. Туристлар сони кўпайгани боис, бутун Тошкент ва Сеул ўртасида бир ҳафтада 10 та авиопарвоз амалга оширилмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда Кореянинг етакчи олийгоҳларининг тўртта филиали фаолият юритаётганини ҳам айтиш жоиз. Жанубий Кореяда эса 11 мингдан ортиқ ўзбекистонлик талаба таҳсил оляпти. Яна бир гап: айни пайтда Корея маданияти уйи, кўп тармоқли болалар клиникиси,

Тошкентдаги Сеул боғи ва Сеул кўчаси дўстлик ва ҳамкорлигининг ҳақиқий рамзига айланган, дейиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг 13-15 июнь кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлик ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилди, албатта.

Ушбу давлатнинг сиёсий партиялари ҳақида гап

қилаётган ҳар бир киши хурмат қилинадиган жамиятни кураимиз!» каби шиорлар асосида фаолият юритаётган партия бугунги кунда парламентда – 103 та (33,8 фоиз), вилоят кенгашида – 145 та (64,1 фоиз) ва Муниципал (шаҳар, туман, қишлоқ) кенгашиларида 1 435 та (48 фоиз) ўринга эга.

Иқтисодий имкониятлардан қатъи назар, ҳар қимга қафолатланган таълим олиш учун шароит

қилиб олинади. Қўмига олдиға эса дарсликлар яратиш, аҳоли саводхонлиги ҳамда олий таълим қармовини ошириш мажбурияти қўйилади. Уша йилларда бу кўрсаткичлар атиги 14 ва 2 фоизни ташкил қилган бўлса, бутун саводхонлик 99, олий маълумот билан камров даражаси эса 93 фоиздан ошган.

Айтиш жоиз, 1950 йилларда бошланғич таълимнинг болалар учун мажбурий этиб белгилангани, 60-йилларга келиб эса «Миллий таълим хартияси» қабул қилиниб, унда ёшларга миллий кадрият ва аъналарга хурмат руҳида таълим-тарбия бериш, ижодкорлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида ургу берилгани реал натижалар берган. Айниқса, мактабгача таълим тизимининг ана шу тамойиллар асосига қурилиши Жанубий Кореяни бу соҳа сифати бўйича дунёда энг юқори ўринлардан бирини эгаллашни таъминлади: камров даражаси 95 фоиздан ошди.

Мактабгача таълим тизими уч гуруҳга – бошланғич (3 ёшгача), ўрта (3-5 ёш) ва юқори (5-7 ёш) гуруҳларга бўлинаркан.

Ушбу мамлакатда оналик таътили 3 ойгача давом этаркан, яъни агар аёл ишлашни хоҳласа, фарзандини шу ёшда ҳам боғчага бериши мумкин. Яна бир гап: болаларга уч ёшгача бепул қараларкан. Эътиборли томони, бир ёшгача бўлган ҳар бир болага бир тарбиячи бириктирилиб, бундай имконият фақат маҳаллий аҳолига бериларкан.

Энг муҳими, қонунчиликда белгиланганидек, боғчада

болаларга корейс кадриятлари руҳида тарбия берилди. Яъни, салом бериш, катталарни хурмат қилиш, уйда, йўлда ўзини туттиш, озодаликка роия қилиш, тўғри овқатланиш, нима учун катталарга бўйсунтиш лозимлиги, она табиати асраш, хайвонларга дўстона муносабатда бўлиш, умуман, одоб-ахлоқ қоидалари ўргатиладиган. Болаларнинг кизиқишларини ривожлантириш, уларни мантқиқий фикрлашга ўргатиш мақсадида боғларга пиёда саёхатлар уюштирилади. Бутун гуруҳ хатто кулупнай тарагинан фермага бориши ёки боғча худудида кўчат ўтказиши мумкин. Шунингдек, спорт билан мунтазам шуғулланиш лозимлиги, жамоавий ўйин кўникмалари ҳам ўргатилади.

Таъкидлашчи, бугунги корейлик бола лозим бўлса тез ёрдам қақирини ёки ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш кераклигини билади.

Булар турли қўлланмалар, кино ёки видеолар орқали ўргатиладиган. Шу ўринда болаларнинг умумий ва шахсий кўргазмалари ҳам ўтказилишини айтиш жоиз. Мавсумда бир марта кичик фестиваллар ташкил этилиб, тез-тез болаларнинг концерт дастурлари тайёрланаркан. Яъни, уларда болалар шеърлар ўқишади, рақсга тушиб, мусика асбобларини чаладилар. Биргаликда ёки яққа тартибда турли хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлашаркан.

Таълим тизимида мусика таълимига ҳам кўп вақт ажратилар, хатто бола мактабга киргунга қадар, камиди битта миллий чолғу асбобини чалишни ўрганиши лозим.

Боғчаларда ҳам уларга тўлик эркинлик берилиб, хоҳиш ва истакларидан ҳеч бири рад этилмаслигини айтишди. 6 ёшгача бўлган болаларга хатто илоҳий мавжудот, кичик фаришталар сифатида қараларкан, десам

биров ишонмаслиги мумкин. Корейс болалари боғчаларда ҳақиқий маънода «Болалигим – пошшолигим» даврини ўтказаркан.

Тўғри, болалар боғчалари умумий таълим дастурига киритилмагани боис, баъзи оилалар фарзандларини хусусий боғчаларга беришаркан. Лекин айрим хусусий боғчалар хатто университетда ўқидан ҳам қимматлигини таъкидлаш лозим. Шу боис ҳам қўлпаб ота-оналар давлат боғчаларини танламоқдалар. Барча машғулотлар корейс тилида ўтилишига эса алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлаш лозим.

Қайд этилишича, боғчаларда тарбиячиларнинг 90 фоизи коллеж битирувчиларидир. Аммо бу соҳага ишга кирувчилар жуда жиддий синовлардан ўтишлари, айниқса, уларнинг болаларга меҳри алоҳида ўрганилишини қайд этиш керак. Яна бир факт: давлат тасарруфидаги боғчалар пуллик бўлиб, эллик фоизи давлат томонидан қопланади.

Боғчаларга видеокузатув камералари ўрнатилганини, ота-оналар Интернет орқали фарзандларининг нима қилаётганини мунтазам кузатиб боришларини ҳам ўзига хос тажриба сифатида қабул қилиш мумкин. Хатто ижтимоий тармоқларда ҳар бир боғчининг ўз саҳифаси бўлиб, улар қундалик маълумот ва фотосуратлар билан янгилаиб туриларкан.

Бир сўз билан айтганда, Кореяга сафаримиз давомида айнан «Миллий тикланиш» йўналишидаги сиёсий партиялар фаолияти кўпроқ эътиборимизни тортиди. Тарбия ва таълимни энг устувор масала сифатида илгари сураётган партиямиз фаоллари учун боғчалар масаласи кизик туғилишига ишонаман.

Жанубий Корея мактабгача таълим тизими фаолияти билан обдон танишиб шундай хулосага келдик: улардан ўрганиладиган жиҳатлар кўп экан.

Боғчаларга видеокузатув камералари ўрнатилганини, ота-оналар Интернет орқали фарзандларининг нима қилаётганини мунтазам кузатиб боришларини ҳам ўзига хос тажриба сифатида қабул қилиш мумкин.

кетганда, 1997 йилнинг 21 ноябрида ташкил этилган «Халқ қудрати» партияси фаолиятига алоҳида тўхталиш лозим деб ўйлайман. Ушбу партия гоёларининг «Миллий тикланиш» гоёларига яқинлиги боис сафар давомида «Халқ қудрати» фаолиятига кўпроқ кизикдик. Маълумотларга қараганда, иқтисодий-либерал ва миллий-консерватив қарашларга эга партиянинг 3,5 миллионга яқин аъзоси бор экан.

«Ҳар бир инсон учун тенг имкониятлар мамлақати!», «Халқ билан бирга яратилган сиёсий ислохотлар тарафдоримиз!», «Меҳнат

яратиш, мослашувчан иш вақтини жорий қилиш, ҳар бир фуқарони уй-жой билан таъминлаш қафолати ва барча соҳаларда гендер тенгликка эришиш каби гоёлар партиянинг сайловолди платформасидаги устувор вазибалар саналади.

Маълумки, Жанубий Кореянинг ривожланган давлатлардан бирига айланиши, шубҳасиз, таълим билан боғлиқ. Мамлакатнинг замонавий таълим тизими асосан 1945 йилдан бошланган бўлиб, илк бор «Таълимни ривожлантириш қўмитаси» ташкил этилади ва бунга аънавий ғарб модели асос

✓ Сайёҳлик

БУХОРОНИНГ

туризм салоҳияти ошади

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, Бухорога 1,5 миллион сайёҳ ташриф буюриши режалаштирилган. Бу кўрсаткични янада ошириш мумкин. Бунинг учун керакли инфратузилмани янада ривожлантириш зарур.

Президентимиз жорий йилнинг 31 май – 1 июнь кунлари вилоятга ташрифи давомида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор вазибаларни белгилаб берди.

Дарҳақиқат, Бухоронинг туризм салоҳияти жуда юқори. Айни пайтда вилоятда мазкур йўналишда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2024 йилнинг ўтган даврида 10 та меҳмонхона, 5 та хостел, 21 та оилавий меҳмон уйи фаолият бошлади. Бу билан жойлаштириш масканлари 580 тага етди. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятга 630 минг нафар чет эллик сайёҳ ташриф буюрган. Уларга кўрсатилган хизмат-

лар орқали туризм экспорти 160 миллион АКШ долларидан ошган. Республикаимизнинг бошқа ҳудудларидан 1 миллион 859 минг 400 нафар маҳаллий аҳоли сайёҳ сифатида ташриф буюрган.

– Давлатимиз раҳбари Бухорога ташрифи чоғида вилоятнинг туризм имкониятларини ишга солиш орқали хорижлик меҳмонлар сонини 5 миллионга етказиш зарурлигини таъкидлади, – дейди вилоят туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бобир Тўқсонов. – Соҳа ривожини учун қўшимча 100 миллион доллар ажратилгани Бухоро иқтисодиёти учун янги имкониятлар эшигини очди. Давлат раҳбарининг янги инфратузилма объ-


ектларини ташкил этиш, жойлаштириш воситалари сонини кўпайтириш бўйича топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Вилоятга бугунги кунда хорижий сайёҳларни ўртгача қолиш муддати уч-тўрт кунни ташкил этмоқда. Янги қўшимча инфратузилма объектлари ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш хисобига уларнинг қолиш муддатларини 5-6 кунга узайтириш имкониятига эга бўламиз. 2024 йилнинг олти ойида соҳада 5800 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Яна бир маълумот, Президентимиз тақдим этган имкониятлар сабаб йил якунига қадар 60 та янги меҳмонхона

фаолият бошлади. Бу бир вақтнинг ўзида 15 минг 200 нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш имконини беради.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳри марказида «гастрономик туризм кўча»лари ташкил этилади. Ҳозирги аэропортдан уч баробар кўп қувватга эга умумий лойиҳа қиймати 226 миллион долларлик янги замонавий халқаро аэропортнинг қурилиш ишлари жаддалаштирилади. Сайёҳлар демографиясини кенгайтириш, уларни худудда бўлиш муддатини узайтириш мақсадида «Бухоро тарихий-этнографик парки»нинг қурилиш ишлари бошланади.

Зариф КОМИЛОВ, ЎЗА



BAZIYATGA NAZAR



Уч босқичдан иборат «Жаҳид маърифатпарварлари ғояларидан ёш авлод тарбиясида фойдаланиш» мавзусидаги инновацион тадқиқотлар ўтказиш қандай самара берди? Кимларга етиб борди? Аудитория қўлами қандай бўлди? Бу масала бўйича ҳам мониторинг қилинмади.

Минг йиллик кадрятлари- мизга асосланган Янги Ўзбекистон мафқурасини шакллантириш, манфаатлар тўқнашуви кескинлашиб, рақобат тобора кучаяётган шу кунларда ёшларни дағсаллик, оилага бепасанд қараш, истеъмолчилик, беқарорлик ҳамда жиззакилик каби салбий иллатлардан асраш, уларда турли таҳдидларга қарши иммунитет ҳосил қилиш бугуннинг энг долзарб масаласига айланди. Маълумки, ушбу масаланинг ҳуқуқий асослари «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорда ўз тасдиғини топган.



ДОНИИ УРИШ БИЛАН ИШ БИТМАЯПТИ!

Аммо қарор қабул қилинганга уч йилдан ошган бўлса-да, унда ақс этган ижтимоий-маънавий мухитни илмий асосда таҳлил қилиш масаласига етарлича эътибор қаратилмапти, деб бўлмайди. Ваҳоланки, маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштирувчи Республика Маънавият ва маърифат марказининг фаолияти танқидий ўрганилиб, уни тубдан яхшилаш чоралари бўйича йўл харитаси ҳам ишлаб чиқилган эди. Қарорда шунингдек, олий ўқув юртаримиздаги маънавий-маърифий ишлар ривожига ҳар томонлама қўмақ бериш, марказнинг ўрни ва таъсири- ни ошириш масаласида аниқ кўрсатмалар белгиланган эди. Бундан ташқари, Олий таълим, фан ва инновациялар ва- зирлигида алоҳида бошқарма, алоҳида марказ фаолият юри- тиб келади. Аммо таҳлиллар ва- зирлик тасарруфидаги маз- кур бошқармага илмий-ме- тодик жиҳатдан йўналиш, ус- лубий қўллаш-қувватлаш учун ажратилган 30 миллион евро ва музлати.

фидрловчи, олдиндан стратегик муҳим йўналишларни белгилов- чи, прогноз қилувчи малакали мутахассислар етишмапти. Сабаби маънавий тарғибот ти- зимида изчиллик, узлуксизлик ва давомийлик йўқ. Бизнингча, тарғибот ва ташвиқот ягона тизим асосида олиб борилиши, бугунги бунёдкорлик ислохотларининг туб моҳиятини ўзида мужассамлаш- тирган ғоявий барқарор маслак афродида бирлаштирилиши керак. Айниқса, ҳар бир ташкилот ё муас- саса ўз ҳолича тарғибот ишлари билан шуғулланмаслиги лозим. Бир сўз билан айтганда, сийқаси чиққан учрашувлар, суҳбат, мулоқотлар, думалок стол ёки уч-тўрт мутахас- сисни йиғиш ёхуд видеоназоратни намоён қилиш билан маъна- вий-маърифий таъсирчанликни ошириб бўлмайди. Қайд этиш жоизки, қарорда маънавий-маърифий ишларни яхшилаш, соҳа вакилларининг мушкуллини осон қиладиган уч муҳим жиҳат кўрсатилган эди: Биринчиси – «Миллий тик- ланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси асосида жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкор- ликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, маънавий тарбия узвийлигини таъминлаш, ёшлар- ни ҳар хил ахборий ва «аклий»

таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ахлоқий мезон ва миллий-маъна- вий кадрятлар устуворлигини таъминлаш билан кўпуровчилик ҳаракати, ақидопарастлик ил- латларидан муҳофазалаш белги- ланди. Иккинчиси – Республика Учунчи – таълим-тарбияда узвийликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъмин- лаш мақсадида боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла ва оила ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш жараёнини «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий хомий» тамойили асосида амалга ошириш имкони яратилди. Шу са- бабдан ҳам умумтаълим мактаб- ларида ёшлар етакчисининг 1 штат бирлиги сақлаб қолинди. Умум- таълим мактабларидаги ижти- мий-маданий масалалар бўйича тарғиботчининг ойлик маоши эса олий маълумотли ўқитувчининг базавий маошига тенглаштирил- ди. Олий таълим тизимида ёшлар масалалари ва маънавий-маъри- фий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) лавозими қайта ташкил этилиб, мавқеи, мақоми кўтарилди. Энг асосий- си, маънавий-маърифий ишлар

ва ижодкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи алоҳида жамғарма тuzилиб, ушбу тузил- маннинг соҳа вакилларини моддий жиҳатдан қўллашнинг асоси бўлиб хизмат қилиши кўрсатиб ўтилди. Бир сўз билан айтганда, юрт тақдирини ўз тақдири билан боғлаган ҳар бир зиёлига, соҳа му- тахассисларига ишлаш, ўз билим ва малака кўникмаларини намоён этиш учун қўлай шароитлар яра- тилди. Хўш, шундан кейин ҳам тарғиботчилар амалга ошираёт- ган ишлар қўлами талабга жавоб бераётими? Тўғри, Республика Маънавият ва маърифат марказининг янги раҳбари бошчилигида соҳада муайян ҳаракатлар бошланди. Аммо унинг натижадорлиги, тасирчанлиги ва камрови ма- саласи долзарблигича қолмоқда. Биргина мисол, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича тайёрланган йўл харитасида олий таълим муассасалари талабалари док- торант ва ёш изланувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Учинчи Ренессанс – ёшлар нигоҳида» номи лойиҳалар танловини анъанавий тарзда ўтказиш белгиланган эди. Даст-

лабки йилларда бу лойиҳа кенг қўламда ўтказилди. Аммо унинг анъанавийлиги, узлуксизлиги, натижадорлиги ва давомийли- ги таъминланмади. У шунчаки оддий лойиҳа бўлиб қолди. Ёки, уч босқичдан иборат «Жаҳид маърифатпарварлари ғояларидан ёш авлод тарбиясида фойдала- ниш» мавзусидаги инновацион тадқиқотлар ўтказиш қандай са- мара берди? Кимларга етиб бор- ди? Аудитория қўлами қандай бўлди? Бу масала бўйича ҳам мониторинг қилинмади. Кўряпмизки, замон шиддат билан ўзгаряпти. Ахборот олиш, танлаш ва эгаллашга бўлган рақобат, турли ижтимоий тармоқларнинг жамоатчиликка, ҳусусан, ёшларга салбий таъси- ри соат сайин ошиб, терроризм, экстремизм, трансмиллий ва ки- бер жиноятчилик, наркотрафик таҳдиди кучайиб, маънавиятга, миллий кадрятлар устуворлигига зарба берапти. Бундай шароитда зиёли қатлам ғафлат уйқусидан уйғониши шарт. Шунинг учун ҳам мазкур қарор қабул қилиниб, унинг доирасида елкамизда ёш- ларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, кўхна ва замонавий тарихни чуқур ўрганиб, илмий изланишларни кучайтириш, ўзбек тилининг дав-

лат тили мақомидаги даражасини кучайтириб, уни хорижда тадқиқ этиш бўйича замонавий техно- логияларни жорий этиш, ҳаётга янгича қараш, янгича фикрлаш ва янгича ишлаш бўйича «ақл марказлари»ни шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни жиддий таҳлил қилиб, кучли экс- пертларни тарбиялашдек устувор ва зифалар белгилаб берилган эди. Буган айнан ана шу амал- ларни рўйбга чиқаришимиз учун мудроқликдан буткул кутулиш, ягона мақсад йўлида жипсла- шиш ва илм олиш, маърифатли бўлиш йўлида бирлашиш талаб этиляпти. Яъни, бу масалала куруқ гапи- риш, ёзиш, бонг уриш эмас, оғир меҳнат қилиш пайти келди!!!



Нодир ҒАҒФОРОВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ўзбек ва чет тиллари кафедраси мудири, филология фанлари доктори

✓ ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Грузиянинг Европа Иттифоқига қўшилиш жараёни тўхтатилгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Бу ҳақда Европа Иттифоқининг Грузиядаги элчиси ҳам маълум қилди. Элчининг сўзларига кўра, энди Европа Иттифоқи Грузияга мудофаа соҳасида қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 30 миллион евро ва музлати.



Саудия Арабистони Ғарбни Исроилга қарши санкциялар жорий этишга чакирди. Мадридда бўлиб ўтган Халқаро алоқалар бўйича Европа кенгаши йиғилишида Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири бин Фархон Ғазо секторидagi геноцид туфайли Ғарб давлатларини Исроил ва унинг расмийларига қарши санкциялар жорий этишга чакирган. У Исроил кучлари томонидан халқаро инсонпарварлик қонунчилигининг бузилишини қоралаб, Газодаги тинч аҳолининг гуманитар эҳтиёжларини қондириш учун Исроилни жавобгарликка тортиш зарурлигини таъкидлаган.



Шолья НАТО саммити олдида АҚШ Президенти Байденнинг ҳолатидан хавотир олмаётганини маълум қилди. Шунингдек, канцлер АҚШ президенти альянс давлатлари етакчилари учрашувига яхши тайёргарлик кўрганга ишонаётганини таъкидлаган.



Bloomberгнинг ёзишича, сешанба кuni Вашингтонда бошланган НАТО саммити альянс доирасида ҳукм сураётган тартибсизликлар билан «соёзон қилинади». Агентлик бу борада Байденнинг дебатлардаги муваффақиятсизликини босишга уринишлари ва Макроннинг Франциядаги сайловлар натижаларининг яхши бўлмаганини таъкидлайди. Financial Times ҳам шу ҳақда ёзиб, «Макрон Вашингтонга келади, аммо унинг фикри бошқа жойда бўлади», деб ҳисоблайди.



ПЕСКОВНИНГ ФИКРИЧА... Россия КХДР Жанубий Корея билан муносабатларни ривожлантириши зарур, деб ҳисоблайди. Аммо Сеул Москвага нисбатан душманлик билан муносабатда бўляпти. Маълумки, бундан аввалроқ Жанубий Корея етакчиси Россиядан «икки Кореядан бири»ни танлашни талаб қилган эди. Москва эса бундай ёндашувга қўшилмайди ва барча билан яхши муносабатларни ўрнатиш тарафдори. Аммо Сеул шунингдек, антироссия санкцияларига қўшилди, шунинг учун ҳам у билан бундай муносабатларни ўрнатиш кийин, дея таъкидлади Россия президенти матбуот котиби.



Россияда ўқиғувчи талабаларимизнинг сони борган сари кўпайиши аниқдир. Бултур бутун Россияда туркистонлик талабалар 20 га етмагани ҳолда бу йилги ўқиш вақтида (агар борғучи ўқувчиларга турли тўсиқлар бўлмаса) 200 дан ошishi мумкиндир.

МИЛЛАТ ОЙДИНЛАРИ

ОТМАЙ ҚОЛГАН

(Боши ўтган сонда)

ЎША КУНИ КЕЧАСИ
НКВД
ХОДИМЛАРИНИ
КЎРГАН Р.ИСЛОМОВНИНГ
ЮРАГИ ОҒРИҚЛИ БИР ХИСНИ
ТУЙДИ. ШУ КУНИ УНИНГ
ОППОҚ
ТОНГИ ОТМАЙ
ҚОЛДИ...

... Рустам Исломовнинг юраги бежиз хижил бўлмаганди: рафикаси Элмира Исмолова билан бирга яшаётган Тошкент шаҳри, Финкельштейн кўчаси 46-уйда тун бўйи тинтув ўтказилди. Уй эгасининг паспорти, ҳужжатлари, ён дафтарлари, ёзишмалари, китоблари, суратлари... ҳаммаси хатланиб, олиб кетилди. Ўрта Осиё пахтачилик институти талабаси, эндигина 22 ёшни қаршилаган Элмира Исмолова эса нима бўлаётганини англамас, нигоҳлари билан эридан бирор изоҳ, «кўрма, ҳаммаси яхши бўлади, бу шунчаки расмиятчилик учун» деган бир таскин кутарди. Аммо НКВД ходимлари хали чақалоқ йиғиси эшитилмаган бу манзилдан уй соҳибини тахкиромуз олиб кетдилар. Шундан кейин Элмира Исмолованинг кўз ўнгига гўё адолатли тузум, партиянинг оқиллиги хақидаги балидларвоз гаплар минг-минг бўлакка бўлиниб кетди. Кечагина жамиятнинг энг обрўли инсонларидан бири бўлган эрининг ярим тунда махв этилиши унинг юрагига санчик бўлди. Унинг бир олам орзулари бор эди: биргаликда бир этак болаларни тарбиялаб, эл қорига ярайдиган, зиёли инсонлар этиб етиштириш, набиралар қуршовида қариллик гаштини суриш...

Рустам энди қайтмас йўлга кетаётганини билганиданми, хотини билан зўрга хайрлашди. Р.Исломовнинг жиноят ишидаги аниқтасидан унинг ота-онаси вафот этгани ва хали фарзанди йўқлиги англашилди. Яқинлари сифатида эса аёли Элмира Исмолова ҳамда сингиллари уй бекаси Башорат Исмолова ва



Шафоат Муҳаммаджоновалар номи келтирилади. Тўғри, Рустам Исмолов юқоридаги буюртма мақола ва партия фаоллари йиғилиши якунларига кўра, аллақачон маънан синдирилган эди. Бунинг устига 1937 йилнинг 25 сентябрь куни унинг номидан «темир нарком» Ежовга ёзилган аризага мажбуран имзо чектирилди. 24 бетлик мазкур икромномада Р.Исмоловнинг барча «хато»лари санаб ўтилган. 28 сентябрь куни ЎзССР МИКда тор доирада яна бир йиғилиш ўтказилиб, унинг аъзолари томонидан Р.Исмолов фаолияти тафтиш этилади. Бирок, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги унинг захматли меҳнатларини, қисқа муддатда эришган улкан ютуқларини бирор киши ақалли эслаб ҳам қўймайди. Ҳеч ким уни химоя қилмади, аксинча, осонгина воз кечдилар...

1937 йилнинг 27-29 сентябрь кунлари Рустам Исмолов 25 бетлик яна бир сўроқ баённомасига имзо чекади. Унда Ўзбекистон МТСларидаги кадрлар масаласи,

«стахановчилик» ҳаракатида йўл кўйилган камчиликлар, айниқса, сўғориш ишлари, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, чорвачилик, ипакчилик соҳаларида амалга оширилган бемисл «жиноятлар» ёзилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси хали тайинланганига икки йил бўлмаган раҳбарнинг буйнига қўйилган. (Бу бўҳтонларга у осонгина имзо қўймаган, албатта). 1937 йилнинг октябрь ойи бошида Ўрта Осиё Ҳарбий округи бошлиғидан ЎзССР НКВД идорасига махсус хат келади. Хатда машҳур рус кўмондонни Будённый талаби билан Ўзбекистон ҳудудидан 2-3 ёшлик энг яхши зотдор отлар мунтазам равишда Москвага синовдан ўтказиш учун йўлангани, аммо, Р.Исмолов Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссари бўлгач, «Бу ерда Москва эмас, биз хўжайинимиз, зотдор отларимизни ўзимиз ҳам синовдан ўтказма оламиз» деган ваз билан Марказ талабини рад этгани баён этилади. Гороодовиков Рустам Исмоловни юқоридаги ҳаракати учун «буржуа миллатчиси» деб

атайди. Мазкур мурожаат Р.Исмоловга қарши қўлланилган босимнинг янада кучайишига асос бўлади.

1937 йил, 20 октябрь. Сўроқда Рустам Исмоловга янги айбловлар қўйилади. Унга кўра, 1929 йилгача Москвада ўқиган Р.Исмолов гўёки ўнг троцкийчи гуруҳ аъзоси бўлганини «тан олади». Шундан кейин яъни 1937 йилнинг 1 ноябрида таъйин рад этгани баён этилади. Гороодовиков Рустам Исмоловни юқоридаги ҳаракати учун «буржуа миллатчиси» деб



КЕЧАГИНА ЖАМИЯТНИНГ
ЭНГ ОБРЎЛИ
ИНСОНЛАРИДАН БИРИ
БЎЛГАН ЭРИНИНГ ЯРИМ
ТУНДА МАХВ ЭТИЛИШИ
УНИНГ ЮРАГИГА САНЧИҚ
БЎЛДИ. УНИНГ БИР ОЛАМ
ОРЗУЛАРИ БОР ЭДИ:
БИРГАЛИКДА БИР ЭТАК
БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАБ,
ЭЛ ҚОРИГА ЯРАЙДИГАН,
ЗИЁЛИ ИНСОНЛАР ЭТИБ
ЕТИШТИРИШ, НАБИРАЛАР
ҚУРШОВИДА ҚАРИЛИК
ГАШТИНИ СУРИШ...

Р.Исмоловга жосус, миллатчи, террорчи, давлатга қатта микдорда зарар келтирган унсури сифатида баҳо берилиб, унга ЎзССР ЖКнинг 57-1,60, 63,67 - моддалари қўлланилади. 1937 йилнинг 22 декабрига келиб, Р.Исмолов ўз иши билан танишиб чиқгани ва унга бошқа ҳеч нарса қўшимча қила олмаслигини айтиб ишни тўхтатишларини илтимос қилгани баён этилади. Бу энди унинг батамом синдирилгани ва ўлимни буйнига олганлигини аниқлар эди.

Аслида, Р.Исмоловни йўқ қилиш режасига 1937 йилнинг 12 сентябридаёқ ИИХК томонидан ЎзССР Ер ишлари халқ комиссарлиги фаолиятини тафтиш этиш мақсадида махсус комиссия тузилганидаёқ қирғишланган эди. Комиссия хулосасига кўра, гўёки 1935-, 1936-, 1937 - хўжалик йиллари барча соҳалар қиёсий «ўрганилди» ва комиссарликнинг «давлатдан кўпроқ ундириш ва унга камроқ бериш» тамойили билан ишлаганлари «исботланди». Барча айблов ва хулосалар йиғилганда 200 бетдан зиёдрок тўплам юзага келди. Аммо бу ҳам терговчиларни қаноатлантирмади. Рустам Исмоловнинг «Айблов баённомаси» ЎзССР ИИХК томонидан 1937 йилнинг 26 декабрида имзоланиб, уни СССР генерал прокурори ёрдамчиси 1938 йил 3 октябрь санаси билан тасдиқлади. Унда Рустам Исмоловни 1921 йилдан «Миллий иттиҳод» ақилинқилобий миллатчилик

ташкilotи ҳамда 1928 йилдан ўнг троцкийчи гуруҳ аъзоси, 1923-26 йилларда Ф.Хўжаев раҳбарлигидаги «18 лар гуруҳи» тарафдори бўлгани кўрсатилиб, ЎзССР ЖКнинг 57, 58, 63, 64, 67-моддалари билан айбланди.

Ниҳоят 1938 йилнинг 4 октябрь куни соат 9:25 дан 9:35 гача давом этган судда «Учлик» Р.Исмоловга олий жазони қўллади ва ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ ижро қилинди...

Шу тариха миллатнинг яна бир ойдини қатл этилди! 1956 йилга келибгина Рустам Исмоловнинг иши қайта кўриб чиқилиб, унга тухмат асосида ҳукм чиқарилгани аниқланди. 1956 йил 8 мартда қайта сўроққа чақирилган гувоҳлар ҳам имзо чеккан қоғозларига нима ёзилганини ўқишга имкон берилмаганини айтдилар. Ва, 1956 йилнинг 29 июнь кунин СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси Рустам Исмоловни оқлади ва Рустам Исмоловнинг аччиқ қисмати «қизиллар салтанати»нинг халқимиз бошига солган бир кўргулиги сифатида қора саҳифа бўлиб тарих катларидан жой олди.



Баҳром ИРЗАЕВ,
Қатағон қурбонлари хотираси
давлат музейи катта илмий
ҳодими, тарихчи олим

✓ Жадид матбуотидан

ЎҚИҒУВЧИ ТАЛАБАЛАРГА КЎМАК БЕРИШ ЛОЗИМ

“Г.” (Ғози Юнус)
“Қизил байроқ”
1922 йил 6 сентябрь

Россияда ўқиғувчи талабаларимизнинг сони борган сари кўпайиши аниқдир. Бултур бутун Россияда туркистонлик талабалар 20 га етмагани ҳолда бу йилги ўқиш вақтида (агар борғучи ўқувчиларга турли тўсиқлар бўлмаса) 200 дан ошishi мумкиндир. Бултур Масков ва Петербургда ўқиғувчи талабаларимизнинг маишат ва ўқув асбоблари етишмаганлиги орқасида, уларнинг қандай қийин ҳолларга тушганлари қўпимизга маълумдир. Россияда ўқувчиларимиз ўз ох-зорларини эшиттирмак учун бор кучлари билан тиришиб кўрдилар. Туркистондан иш билан Масковга борган мусулмон маъсул ишчиларга ўзларнинг камчиликларини эшиттириб турдилар. Буларнинг дард-ҳасрати ҳар ким томонидан эшитилди. Лекин, чораси кўрилмади. Бу йил борган шоғирларнинг ҳам жуда кўп нарсадан етишсизликлари овқат-қийим ва ўқув қуроллари вақидан жуда кўп қийинликларни тортишлари аниқдир.

Шу нарсаларни ким бажарадир?

Бу муҳим иш ўз ишимиз бўлганлигидан мунинг чорасига киришмак ҳам албатта, ўз вазифамиздир. Россияда ўқиғувчи талабаларимиз учун ўзимиздан тўпланган навоглардан бир микдорини чиқариш керак. Ҳамда ўзимизнинг миллий бойлигимиз бўлган вақфларнинг йиллик варадидан бир қисмини ажратиб Россияда ўқувчи талабаларимизни овқат, қийим ва ўқув қуроллари билан таъмин этишимиз керак. Бундан бошқа ҳеч чора йўқдир.

“Туркистон жадидларининг “Қўмақ” ташкilotи”
рисоласидан олинди.

✓ Нигоҳ




НАФАР МАҚКУМА

Улар ўз оиласига қайтишлари учун
муҳим қадам қўйилди

Тошкент шаҳрига яқин бўлган Зағитотадаги 21-сонли жазони ижро этиш колониясида маҳкумаларнинг тузалиш йўлига ўтган ёки ўтмаганини аниқлаш мезонлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Шу ҳақда ахборот берган ЎЗД мухбири Н.Абдураимовнинг ёзишича, йиғилишда колонияда жазо муддатини ўтаётган 1 минг 159 нафар маҳкуманинг бугунги ҳаёти комиссия аъзолари томонидан обдон ўрганилиб, 998 нафарига тузалиш йўлига ўтган, деган хулоса берилди. Бунда уларнинг меҳнатга виждонан

муносабатда бўлиши, белгиланган меҳнат нормаларининг бажарилиши, ўқиш ва касб-ҳунар ўрганишига бўлган қизиқишлари, жазони ижро этиш муассасаларида ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирлардаги иштирокларига алоҳида эътибор қаратилган. Энг асосийси, маҳкумаларнинг ички тартиб-қоидаларга риоя этишлари каби бирламчи мезонлар қайта-қайта кўриб чиқилган. Бу эса афв ёки амнистия ҳужжатлари қабул қилинганда айнан шу аёлларга устуворлик берилди, деганидир.



1937 йилнинг 14 июлида Чўлпон қатл этилган эди...

Гўзал

Қоронгу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: «Мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!...»

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа,
Ул-да айтадирки: «Қизил яноққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!...»

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: «Бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни — шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!...»

Ул кетгач кун чиқар ёруғлиқ сочиб,
Ундан-да сўраймаен сенинг тўғрингда.
Ул-да уятдан беркиниб, қочиб,
Айтадир: «Бир кўрдим, тушдамас ўнгда.
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир... мендан-да гўзал!...»

Мен йўқсил на бўлуб уни суйибмен?!
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-қуюбмен.
Бошимни зўр ишга бериб қуюбмен,
Мен суюб... мен суюб... кимни суюбмен?
Мен суйган «суюк» шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!»

БИНАФША

Бинафша сенмисан, бинафша сенми,
Кўчада ақчага сотилган.
Бинафша менманми? бинафша менми,
Севинганга, қайғунга тугилган?
Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг?
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?
Бинафша,
Айт менга,
Кимлардир уларким,
Игани бағринга санчарлар?
Бинафша,
Бир сўйла,
У қандай қўларким,
Узалар, ҳидлайлар, янчарлар?
Бинафша, шунчалик чиройли юзинг бор,
Нимага узроқроқ кулмайсан?
Бинафша, шунчалик тортувчи тусинг бор,
Кўнглимга исриқлик тўкмайсан?
Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери,
Қайғингни қайғунга қўшгил.
Бинафша, сен учун қўқрагим эрк эри,
Бу эрдан қўқларга учгил.
Бинафша, гўзалим, қайғулим, келмайсан,
Қайғунг зўр, қайғунгни билмайсан,
Менга бир кулмайсан.

КўНГИЛ

Кўнги, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фардинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик ману кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми,
Қиличлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан;
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен ҳам ҳур туғилгонсан!..

САВОЛ БЕРИНГ!

? Рўйхатдан ўтган абитуриентнинг телефон сим-картаси йўқолиб қолса, қандай қилиб рухсатнома олиши мумкин?
Шахзода Темурова,
Тошкент шаҳри

– Рухсатнома абитуриентнинг my.uzbmb.uz сайтыдаги шахсий кабинетида шакллантирилади. Абитуриент рухсатномасида имтихонлар ўтказиладиган манзил, куни ва вақти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлади. Ҳозирда касбий/ижодий имтихонларга қирадиган абитуриентлар шахсий кабинетларидан рухсатномани юклаб олиши мумкин. Бунда онлайн рўйхатдан ўтишдаги телефон рақам логин ўрнида ҳамда ўзлари қўйган паролни киритган ҳолда шахсий кабинетга кириб, рухсатномани юклаши мумкин. Агарда телефон сим-картаси йўқолиб қолган ва калит сўз ёддан кўтарилган бўлса, алоқа компаниясига бориб, рўйхатдан ўтган рақамни қайта тиклаш (сим-картани янгилаш) мумкин. Шунингдек, Билимни баҳолаш агентлиги ва унинг худудий бўлимлари шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилганда, мурожаатчи сўраган бошқа телефон рақамига ўзгартириб берилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот хизмати

? Автомобилларга экологик стикер бериш мuddати узайтирилди?
Ўткир Каримов,
Тошкент вилояти

– Ҳа, узайтирилди. Тизим 2025 йил 1 мартдан бошлаб йўлга қўйилади. Аввалроқ бу тизим шу йил 1 июнда бошлангани белгиланган эди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Ахборот хизмати

? Тест синови кунин айрим сабабларга кўра бошқа вилоятда бўлиб қолган абитуриент ўша худудда тест синовидан ўтса бўладими?
Жавохир Абдурахмонов,
абитуриент

– Йўқ, абитуриент онлайн рўйхатдан ўтиш вақтида қайси вилоятни белгиланган бўлса, айнан шу худудда ташкил этилган имтихонда катнашиши мумкин. Боиси, шу абитуриент учун тест материаллари айна у белгиланган худуд учун ажратилган бўлади ва уни алмаштириш имкони мавжуд эмас. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йил ҳам абитуриентлар кириш имтихонларининг якуний натижалари чиққандан сўнг, мутахассислик фанларига мос 5 тагача йўналишни танлаш имконияти эга бўлади. Бунинг учун уларга тест синовлари тўлиқ яқунланганидан сўнг 15 кун муҳлат берилади. Бу муддат давомида абитуриентлар олий таълим муассасаси, бакалаврият таълим йўналиши ва таълим шаклини танлайди.

? Депутат ва сенаторлар чет давлатда яшашлари мумкинми?
Сайидбек Ахмедов,
Бухоро вилояти

– Йўқ, мумкин эмас. Агар депутат ёки сенатор чет давлатнинг доимий яшаш гувоҳномаси ёки чет давлат худудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа бир ҳужжатни олса, унинг ваколати мuddатидан олдин тугатилади.

Партия Ахборот хизмати

? 1 шондан олий маълумотли боғча педагогларининг маоши ошди, аммо нега бу ҳаммага бирдек татбиқ этилмади?
Зилола Каримова,
Тошкент вилояти

– Тўғри, бу қарор жисмоний тарбия йўриқчиси ҳамда мусика раҳбарига нисбатан татбиқ этилмади. Чунки улар “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизimini ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига кўра, педагог тоифасига қирмайди. Шу сабабли фақат давлат мактабгача таълим ташкилотларининг олий маълумотли педагог ходимлари - тарбиячи, тайёргарлик гуруҳи тарбиячиси, тарбиячи-методист, ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед ҳамда тил ўқитувчиларининг маошлари оширилди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Ахборот хизмати

? IT соҳасида ўзини ўзи банд қилган ёшларга имтиёзлар борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.
Баҳодир Қосимов, Қарши шаҳри

– Ҳа, бор. Уларга IT парк резиденти мақоми ҳамда IT компаниялардаги каби тиббиёт, спорт ва офисдан фойдаланишлари учун “ижтимоий карта” берилади. Шу билан бирга, улар уч йил муддатга барча солиқлардан ҳам озод қилинади.

Рақамли технологиялар вазирлиги Ахборот хизмати

О'zingizni qiziqtirgan savollarga javob topolmayapsizmi? Bizning quyidagi telegram manzilimizga yo'llang, bizning mutaxassislar savollaringizga javob berishadi.

90
245-18-10

? Ўқини нодавлат олий таълим муассасасидан давлат олийгоҳига кўчириб ўтказиш талаби қандай?
Ситора Жалилова,
Наманган вилояти

– Ўқини нодавлат олий таълим муассасаларидан давлат олийгоҳига кўчириб ўтказишда талаба ўқиган фанлар ва кўчиратган йўналишидаги фанлар орасидаги фарқ тўрттадан ортик бўлмаса, ҳеч қандай тўловсиз, имтихон асосида ўқини қабул қилинади. Мос ва турдош таълим йўналишларига ўқини кўчириш учун талабадан алоҳида иктидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтихонлар, бошқа таълим йўналишлари бўйича тест синовлари ўтказилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот хизмати



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

“Миллий тикланиш” демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгаши Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутати Момоҳол Эгамбердиевага умр йўлдоши АБДУЛЛАЕВ ХУДОЙБЕРДИ АМИНОВИЧНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Ота – сиз ҳоҳлаган нарсани бера олмасан ҳам ўзида борини берадиган зот.

Бир чимдим кулги
Амалдор чекка бир кишлокка сайёр қабулга бориб, одамлар билан учрашибди.
– Қандай муаммоларингиз бўлса, ҳал қилиб берамиз.
– Бизда иккита катта муаммо бор, – дебди бир оқсоқол. – Аввало, бизда шифохона бору, шифокор йўқ.
Амалдор шартта мобил телефонидан кимнингдир рақамини терибди-да, бир четта ўтиб 1-2 дақиқа гаплашибди.
– Бу масалани гаплашиб ҳал қилдим. Шифокор эртагаёқ шу ерда бўлади. Энди иккинчи эhtiёжингизни айтинг-чи?
– Кишлогимизда мобил алоқа мутлақо ишлайми, – дебди оқсоқол.

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 10 iyul	+37° +24°	yomg'ir	42%
Payshanba 11 iyul	+38° +26°	ochiq havo	0%
Juma 12 iyul	+39° +26°	bulutli	0%
Shanba 13 iyul	+33° +25°	yomg'ir	100%
Yakshanba 14 iyul	+32° +23°	yomg'ir	96%
Dushanba 15 iyul	+33° +23°	bulutli	0%
Seshanba 16 iyul	+35° +23°	ochiq havo	0%

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI

JAMOATCHILIK KENGASHI:
Alisher QODIROV – kengash raisi

Akmal SAIDOV, Abror PO'LATOV, Amriddin BERDIMURODOV, Akmal JUMABOYEV, Bahodir MAMATXONOV, Ithom ABDULLAYEV, Ibrohim G'OFUROV, Iroda DADAJONOVA, Minhojiddin MIRZO, Nuriyman ABULXASAN,

Odiljon TOJIYEV, Olim O'SAROV, Otabek JIYANBOYEV, Ozodbek NAZARBEKOV, Ortiqali QOZOQOV, To'liqin TESHABOYEV, Feruza MUHAMMEDJANOVA, Xurshid DO'STMUHAMMAD, Sherzodxon QUDRATXO'JA, Shuxratjon AXUNDJANOV.

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Maqsud Shayxzoda ko'chasi, 1 A-uy. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.

Gazetada Internet ma'lumotlari va suratlaridan foydalanildi.

Tahririyatga kelgan xatlar doimiy e'tiborimizda bo'lib, ular mualliflariga qaytarilmaydi.

NAVBATCHI MUHARRIRLAR:
Abdug'afur OMONBOYEV, Mahbuba KARIMOVA
NASHR UCHUN MAS'UL:
Ma'murjon YO'LDOSHEV
NAVBATCHI:
Feruza XODJAYEVA
DIZAYN GURUHI:
Asilbek QUDRATOV, Firdavs HAMIDULLAYEV

Gazeta «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

2008-yil 29-oktyabrda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan №0223 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan. Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

Adadi – 5 063.
Gazetaning bahosi kelishilgan narxda.
Qog'oz bichimi: 350x587. Hajmi: 4 bosma taboq
Buyurtma: G – 721
Bosishga topshirish vaqti 21:00.
Topshirildi 03:15

Elektron pochta:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Telefonlar:
(97) 755-10-11, +998 97 423 32 68

ISSN 2010-7714
123456